

САБАБИЙ БОҒЛАНИШ – ДЕЛИКТ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ШАРТИ СИФАТИДА

Ражабов Шерзодбек Равшанбекович

Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси
sherzodbekrajabov@gmail.com

Ражабов Шерзодбек Равшанбекович

**Самостоятельный соискатель Ташкентского государственного
юридического университета**

Rajabov Sherzodbek Ravshanbekovich

Independent Researcher at Tashkent State University of Law
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17090301>

Аннотация:

Мақолада деликт мажбуриятларида сабабий боғланишнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шarti сифатидаги аҳамияти таҳлил қилинган. Зарар етказиш оқибатида вужудга келадиган мажбуриятларнинг ҳуқуқий табиати, уларнинг императив характери ва татбиқ этилиш хусусиятлари кўриб чиқилган. Сабабий боғлиқликни аниқлашнинг икки босқичли тизими – фактик ва норматив босқичлар, шунингдек зарурий шарт текшируви (*conditio sine qua non*) нинг қўлланилиши ёритилган. Деликт мажбуриятларида сабабий боғланишнинг кўп звеноли характери ва уни исботлаш зарурлиги асосланган.

Калит сўзлар: деликт мажбурияти, сабабий боғланиш, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, зарар, ҳуқуққа хилоф ҳаракат, зарурий шарт текшируви, фактик сабаб, норматив босқич.

Аннотация:

В статье анализируется значение причинной связи как условия гражданско-правовой ответственности в деликтных обязательствах. Рассмотрена правовая природа обязательств вследствие причинения вреда, их императивный характер и особенности применения. Освещена двухступенчатая система установления причинной связи – фактическая и нормативная стадии, а также применение теста необходимого условия (*conditio sine qua non*). Обоснован многозвенный характер причинной связи в деликтных обязательствах и необходимость ее доказывания.

Ключевые слова: деликтное обязательство, причинная связь, гражданско-правовая ответственность, вред, противоправное действие, тест необходимого условия, фактическая причина, нормативная стадия.

Abstract:

The article analyzes the significance of causation as a condition of civil liability in tort obligations. The legal nature of obligations arising from harm infliction, their imperative character and application features are examined. The two-stage system of establishing causation – factual and normative stages, as well as the application of the necessary condition test (*conditio sine qua non*) are highlighted. The multi-link character of causation in tort obligations and the necessity of its proof are substantiated.

Keywords: tort obligation, causation, civil liability, harm, unlawful action, necessary condition test, factual cause, normative stage.

Зарар ҳуқуқбузарлик натижасида ҳамда фуқаролик ҳуқуқи субъектлари ўртасидаги шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда юзага келиши мумкин. Бир қарашда фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни татбиқ этиш, уни қўллаш зарур асослар ва шартларни мавжуд бўлиши етарлидек кўринсада, аслини олганда бу масала жиддий ва алоҳида тадқиқ этилиши зарур бўлган муаммолардан бири ҳисобланади. Зарар томонлар ўртасида ҳеч қандай мажбурият муносабатлари (шартнома) бўлмаган ҳолатда ҳам юзага келиши мумкин. Бунда зарар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатнинг бошқа субъекти ҳуқуқини бузиш натижаси ҳисобланади. Бошқа шахсга зарар етказилганлигининг ўзи деликт мажбуриятини вужудга келишини англатади. Зарар етказган шахс ёки зарар етказувчининг ҳаракатлари учун жавобгар бўлган бошқа шахс етказилган зарар ўрнини жабрланувчига қоплаши шарт.

Зарар етказиш оқибатида вужудга келадиган мажбуриятлар энг қадимий мажбурият турларидан бири бўлиб, Рим ҳуқуқи даврларидан бошлаб улар деликт мажбуриятлари сифатида машхур (лотинча “delictum” атамасидан олинган бўлиб, ҳуқуқбузарлик, қонунбузарлик маъносини англатади). Деликт мажбуриятлари тўғрисидаги қоидалар қатъий императив характерга эга бўлиб, уларнинг вужудга келиш шартлари ва товлон миқдорини белгилашда томонларнинг ўз хоҳишига кўра ҳаракат қилишини истисно қилади. Бу табиий ҳол, чунки зарарни қоплаш бўйича мажбуриятлар пайдо бўлгунга қадар томонлар ўзаро ҳеч қандай ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган, шунинг учун ҳам зарарни қоплашнинг у ёки бу шартларини олдиндан келишиб ололмайди¹. Зарар етказилгандан кейин эса, айнан Фуқаролик кодексида мавжуд бўлган деликтлар ҳақидаги нормалар (57-боб) жабрланувчининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга имкон беради.

Юридик адабиётларда анъанавий равишда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг қуйидаги шартлари ажратилади: 1) ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ҳуқуққа хилофлиги; 2) зарар ёки зиённинг мавжудлиги; 3) ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ва зарар ёки зиён шаклидаги юзага келган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш; 4) айб².

О.Оқюлов ўз навбатида мажбуриятни бузганлик учун қарздор ёки зарар етказувчининг жавобгарликка тортилиши учун тўртта асос мавжудлигига урғу беради: биринчидан, ҳуқуққа зид ҳаракат ёки ҳаракатсизлик; иккинчидан, зарар етказилиши; учинчидан, ҳуқуққа зид ҳаракат билан юзага келган зарар ўртасида сабабий алоқанинг мавжудлиги; тўртинчидан, қарздор ёки зарар етказувчининг айбининг борлиги³.

Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликнинг умумий шартлари – ҳуқуққа хилофлик, зарар етказилиши, сабабий боғланиш ва айб – барча ҳолларда ҳам мавжуд бўлиши шарт эмас. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, айрим ҳолларда айб мавжуд бўлмаса ҳам жавобгарлик қўлланилиши мумкин, масалан

¹ Гражданское право : учебник : в 3 т. Т. 3 / Е. Н. Абрамова, Н. Н. Аверченко, Ю. В. Байгушева [и др.]; под ред. А. П. Сергеева. — 2-е изд., перераб. и доп. — Москва : Проспект, 2019. — 752 с. 6-6.

² Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая: Общие положения. М.: Статут, 2020. С. 707–708.

³ Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ҳуқуқи. 1 қисм. Дарслик. Т.: ТДЮУ, 2017. 264-265 бетлар.

айбсиз жавобгарлик ҳолатларида. Жавобгарлик субъекти мутлақ зарурий талаб бўлиб, у муомала лаёқатига эга жисмоний шахс ёки юридик шахс бўлиши керак, лекин субъект йўқолган тақдирда жавобгарлик мерос қабул қилувчиларга ёки ҳуқуқий ворисларга ўтиши мумкин.

Замонавий цивилист олимлар, жумладан М.И.Брагинский ва В.В.Витрянский мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликнинг тўрт асосий шартини ажратиб кўрсатадилар: “ҳуқуққа хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик), зарар, ҳуқуққа хилоф ҳаракат билан зарар ўртасидаги сабабий боғланиш ва ҳуқуқбузарнинг айби”⁴. Бунда фуқаролик қонунчилиги айрим ҳолларда айбсиз жавобгарликни ҳам назарда тутиши мумкин, бу эса мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликнинг назарий-ҳуқуқий асосларини янада кенгайтиради.

Н.Х.Эгамбердиева эса, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси фақат шартнома мажбуриятларини бузиш эмас, балки фуқаролик ҳуқуқининг турли соҳаларида тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатларда қонунга зид ҳаракатлар туфайли пайдо бўладиган жавобгарликни ҳам ўз ичига олади⁵.

Сабабий боғлиқлигини тадқиқ этиш икки босқичда амалга оширилади деган ёндашув кенг тарқалган:

фактик босқич – жавобгарнинг хулқ-атвори зарар етказиш учун зарурий шарт бўлганлигини аниқлаш;

норматив босқич – зарарнинг зарурий шартлари орасидан юридик аҳамиятга эга сабабни ажратиб олиш⁶.

Биринчи босқич фактик сабаб-оқибат боғлиқлигини аниқлашдан иборат. Фактик сабабни аниқлаш учун зарурий шартни текшириш (континентал ҳуқуқ тизимларида *conditio sine qua non* текшириш ёки Англия ва АҚШда мавжуд бўлган *but for* текшируви) қўлланилади. Унинг моҳияти жавобгарнинг хулқ-атворини зарар етказишга олиб келган воқеалар занжиридан гипотетик равишда чиқариб ташлаш оқибатларини тадқиқ этишдан иборат. Агар жавобгарнинг хулқ-атвори воқеалар занжиридан фикран чиқариб ташланганда ҳам жабрланувчига барибир зарар етказилган бўлса, унда жавобгарнинг хулқ-атвори зарарнинг фактик сабаби (шарти) деб тан олиниши мумкин эмас⁷.

Юридик жавобгарлик, шу жумладан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, ҳар доим ҳуқуқбузарлик билан, шахснинг ўтмишдаги ноқонуний хулқ-атвори оқибатларини баҳолаш билан боғлиқ, шунинг учун уни ретроспектив жавобгарлик ҳам деб аталади⁸. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бир тури сифатида қонун ёки шартномада кўзда тутилган муайян жавобгарлик чорасининг (муайян санкция) амалга оширилишини ўзида акс эттиради. Бу санкциялар – жавобгарлик чораларининг

⁴ Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: Общие положения. Москва: Статут, 1998. С. 569

⁵ Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва шакллари. Т.: ТДЮИ, 2007. 156-б. 7-б.

⁶ Markesinis B., Unberath H. The German Law of Torts: A Comparative Treatise. Oxford: Hart Publishing, 2002. P. 103; Von Bar C. The Common European Law of Torts: Volume Two: Damage and Damages, Liability for and without Personal Misconduct, Causality, and Defences. Oxford: Clarendon Press, 2000. P. 438; Hodgson D. The Law of Intervening Causation. New York: Routledge, 2016. P. 5; Oliphant K. Basic Questions of Tort Law from the Perspective of England and the Commonwealth. P. 397.

⁷ Михайлов В.С. Причинно-следственная связь как условие деликтной ответственности. Дисс... на соискание ученой степени кандидата юридических наук. М.: 2021. 239-б. 5-б.

⁸ Тархов В. А. Ответственность по советскому гражданскому праву. Саратов, 1973. С. 8-11

амалга оширилиши давлат мажбурлови билан таъминланади.

Е.А.Суханов жавобгарликнинг у ёки бу чораси қўлланиладиган фуқаролик ҳуқуқи соҳасига қараб, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шартлари ўзгариши ёки мавжуд бўлмаслиги мумкин; уларга жавобгарликни қўллаш учун зарур бўлган бошқа ҳолатлар ҳам қўшилиши мумкин. Масалан, интеллектуал ҳуқуқларнинг бузилиши учун компенсацияни қўллаш учун зарар ва сабабий боғланишни аниқлаш талаб этилмайди; иш берувчини ходимнинг ҳаракатлари учун жавобгарликка тортиш учун қўшимча равишда иш берувчи билан ходим ўртасида меҳнат ёки бошқа муносабатларнинг мавжудлигини аниқлаш лозим, бунда иш берувчи ўзи ёллаган шахс томонидан ишларнинг сифатли ва хавфсиз бажарилишини назорат қилиб туради ва бошқалар⁹.

Сабабий боғлиқликни аниқлаш борасида судлар қандай йўл тутиши мумкин деган ўринли савол туғилади. Фактик сабабий боғлиқлик концепциясини тўғридан-тўғри қўлламаслиги, аммо бундан улар зарурий шарт текширувини инкор этган ва зарарнинг шарти бўлмаган ҳаракат учун жавобгарликка тортишга йўл қўйган деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Р.Циммерманн таъкидлаганидек, фактик сабабий боғлиқлик ғояси судлар томонидан судлар уни ўз-ўзидан равшан нарса сифатида қабул қилганлиги сабабли камдан-кам тўғридан-тўғри вужудга келади¹⁰.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, деликт мажбуриятларида сабабий боғлиқликни аниқлаш ҳар доим мажбурий ҳисобланади, чунки зарар етказувчи фақат ўз хулқ-атвори келтириб чиқарган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Сабабий боғлиқликнинг йўқлиги жавобгарликни истисно қилади ва зарар бошқа сабаблар оқибатида юз берганлигини, жавобгарнинг хулқ-атвори билан боғлиқ эмаслигини англатади. Сабабий боғлиқлик айбдорликдан фарқли ўлароқ, презумпция (тахмин) қилинмайди ва шунинг учун ҳам даъвогар томонидан исботланиши шарт бўлади.

Деликт мажбуриятларида сабабий боғлиқлик кўп занжирли хусусиятга эга. Бунда шахсни жавобгарликка тортиш учун битта эмас, балки бир неча сабабий боғлиқлик занжирини аниқлаш талаб этилади. Масалан, соғлиққа етказилган зарарни қоплаш масаласини ҳал қилиш учун 1) зарар етказувчининг ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори билан 2) юз берган жароҳат (зарар) ўртасида, шунингдек жароҳат билан жабрланувчи йўқотган иш ҳақи ва бошқа даромадлар (меҳнат қобилиятини йўқотиш) ўртасида сабабий боғлиқликни аниқлаш зарур. Фуқаролик қонунчилиги баъзи шахсларнинг бошқаларнинг ҳаракатлари учун жавобгарлигини назарда тутган ҳолларда ҳам бир неча сабабий боғлиқлик занжирини аниқлаш зарур бўлади.

⁹ Гражданское право: учебник: в 4 т. Т. I: Общая часть. / отв. ред. Е.А. Суханов. –2-е изд., перераб. и доп. – Москва: Статут, 2019. (Ягельницкий А.А. – гл. 13). 523-б.

¹⁰ Digest of European Tort Law. Volume 1: Essential Cases on Natural Causation / Ed. by B. Winiger, H. Koziol, B.A. Koch, R. Zimmermann. Wien: Springer, 2007. P. 99.